



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil,
Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ЧЎЛ ЛАНШАФТЛАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш муаммолари

Жўрақулов Х., Тошнӣёзов Х., Юсупов Р.

Самарқанд давлат университети

PROBLEMS OF EFFECTIVE USE OF MOUNTAIN AND PIEDMOND DESERT LANDSCAPES OF WEST ZARAFSHAN

Annotation: in this article and more efficient than the piedmont landscape use problems.

Keywords: desert landscape, landscape languages, ravines, degradation, antropogenic, pseudocarc, hills, plasterbds.

Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбий давоми Зирабулоқ ва Зиявуддин тоғлари, Помир-Олой тоғ системасига киради. Бу тоғлар пайдо бўлишига кўра Герцин тоғ бурмаланишига тўғри келади.

Кейинчалик емирилиб, сайқаланиб, паст тоғларга айланиб қолган. Герцин тоғ бурмаланишидан кейин бўлиб ўтган кучли Альп бурмаланиши натижасида бу тоғлар қайтадан кўтарилган. Натижада хозирги тоғ тизмалари ва улар орасидаги ботиқ водийлар вужудга келган.

Зарафшон тизмасининг Тахтақорача давонига қадар бўлган шарқий қисми Чақилқалон тоғлари ғарбий қисми эса Қоратепа тоғлари деб аталади. Қоратепа тоғлари ғарбда Жом қишлоғи яқинида аста-секин текистликларга кўшилиб кетади. Ундан ғарб томонда Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғлари жойлашган. Бу тоғларнинг юзаси шамол, оқар сувларнинг геологик иши ва нураш натижасида нураб, пасайиб қолган ва айрим жойларида кенг текислик юза билан кўшилиб кетган. Зирабулоқ тоғининг энг баланд Қорасув чўққиси денгиз сатхидан 1112 метрга, Зиёвуддин тоғининг энг баланд жойи Тирикбобо чўққиси 839 метрдан иборат.

Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғ ландшафтлари ўзига хос хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Тоғ ландшафтларига тариф беришда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун уларни гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Шу боисдан Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғ ландшафтларининг келиб чиқиши ва ўзига хос хусусиятларига қараб уларни учта ландшафт типларига ажратдик [1].

1. Текис юзали тоғолди чалачўл ландшафтлари. Бу ландшафтларга Малик ва Қарнаб чўлларининг Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғларига ёндашган қисмлари ва шу тоғлар атрофларидаги текис юзали жойлар киради. Уларнинг денгиз

сатҳидан ўртача баландлиги 270-420 метр бўлиб, тоғдан Қизилқум ва Зарафшон водийси томон пасайиб боради. Текис юза орасида онда-сонда гумбазимон тепаликлар учрайди. Улар атрофдаги текисликлардан 2-3 метр кўтарилган, ёнбағирлари аста-секин ёнидаги текисликлар билан қўшилиб кетади. Бу антиклинал тепачалар ядроси неоген даврининг конгломерат, қумтош ва гиллардан тузилган бўлиб, тектоник ҳаракатлар натижасида кўтарилган. Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғларининг Зарафшон водийсига қараган шимолий томонида ландшафт юзаси тоғдан келадиган сойлар қуруқ жар ва жилғалар билан анча парчаланган. Йиллик ўртача ёғин миқдори 125-160 мм бўлиб, 10⁰ дан юқори ҳарорат йиғиндиси 5000⁰ га етади. Қуруқ ва иссиқ иқлимли бу ландшафтлар ўсимлик дунёсига бой эмас. Асосий ўсимликлари эфемир ва эфемероидлардан иборат. Кўп йиллик бута ва яримбуталардан шувоқ қузиқулоқлар (*Artemision hera alba*, *Phlomis thopsoides*) кенг тарқалган. Тупроқлари оч бўз, шуртоб ва тақир тупроқлар бўлиб улар ичида оч бўз тупроқлар катта майдонни эгаллайди. Тоғолди текислик чалачўл ландшафтлар таркибида урочишалар кенг тарқалган: тўлқинсимон паст баландликлар, лёссимон жинслар қоплаган текис юзалар, қуруқ жарлар, жилғалар, тепаси гумбазсимон баландликлар тарқалган. Бу ландшафтлар йил давомида яйлов сифатида фойдаланиб келинади. Қудуқлар атрофидаги ўт қоплами узлуксиз мол боқиш натижасида кучли деградациялашган. Шуни айтиш керакки Малик чўл ва Қарноб чўлининг катта қисмида гипс тузлари ер юзасига яқин ётади. Суғориш натижасида улар ер юзасига чиқиб тупроқни шўрлатиб юбориши ва туз эришидан юза қатлами чўкиб псевдокарст ҳодисасининг кенг ривожланишига имкон яратган[2]. Бундай жараёнларни Малик чўлининг айрим жойларида кузатиш мумкин.

2. Тоғолди чалачўл адир ландшафтлари. Бу ландшафтлар тоғлар атрофини ҳалқадек ўраб олган пролювиал, делювиал ётқизиклардан кенг ривож топган. Ландшафтларнинг абсолют баландлиги 400-500 метргача боради. Тоғлардан оқиб тушувчи сойлар адир зонасини кесиб ўтиб, кўп жойларда ландшафт юзасини ўзгартириб юборган. Адир ландшафтлари таркибида қуйидаги урочешалар кенг тарқалган: ясси тепалик қирлар, кенг водийсимон пасттекистликлар, жарлар ва қуруқ водийлар учрайди.

Адир ландшафтлари ҳам қадимдан яйлов сифатида фойдаланиб келинади. Шу сабабли жуда кўп жойларда озуқабоб ўтлар ўрнига моллар емайдиган ёки кам ейдиган бегона ўтлар кўпайиб бормоқда. Ўсимликларни антропоген деградацияланиши йилдан-йилга кўпайиб уларнинг майдони кенгайиб бормоқда

3. Кучли парчаланган пасттоғ чалачўл ландшафтлари. Бу ландшафтлар 600-900 метр баландликда жойлашган бўлиб, Зиёвуддин тоғларининг катта

қисмини эгаллайди. Уларнинг пойдевори мезозой даврининг оҳактошлари, кумтошлари, сланецларидан таркиб топган бўлиб, бу жинслар лёссимон, делювиал ётқизиклар билан қопланган. Кучли парчаланган жойларда юза қатлам ювилиб кетган ва туб жинслар ер юзасига чиқиб қолган.

Чалачўл ландшафтларда ўртача йиллик ёғин миқдори 250-300 мм бўлиб, адир ландшафтларига нисбатан қор қоплами ўзоқ ётади [4]. Бу еса ўсимликларнинг анча хилма-хил бўлишига сабаб бўлади. Ўсимлик қопламининг асосини кўнғирбош ва қорабош (*Vulpia miuros*, *Pea bulosa*) ташкил қилади. Сойларда тоғ ёнбағирларининг шимолий экспозициясида эфеморидлар билан бирга шувок, кўзикулок, окқуврай, (*A.turanika*, *A.diffusa*, *Phlomis*, *thopsoides*) тошлоқ участкаларда тоғ ксерофитларидан ёстиқсимон аканталимон, маквис ҳамда карраклар (*Cousinia resionosa*) учрайди.

Пасттоғ чалачўл ландшафтлари табиатни ўз ҳолига келтириш ва яхшилашнинг ягона чораси яйловдан тўғри фойдаланишни изга солишдир. Яйловлар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ерларининг 85% ёки 23 млн. га майдонни эгаллаган ҳолда Ўзбекистоннинг 10% аҳолининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. 2000-йилда Ўзгипрозем томонидан олиб борилган татқиқотлар шуни кўрсатадики 18 млн гектар текширилган яйлов ерлардан 40% деградацияга учраган. Бу жараён айниқса Қарнаб, Малик, Жом, Нурабод чўлларида кучлидир.

Шундай қилиб, тоғ-тоғ ёнбағирларида ҳаддан ташқари молларни боқиш тупроқ эрозияларининг ривожланиб кенгайиши нафақат яйлояларнинг ёмонлашувига балки тоғ ёнбағирларининг яланғочланиб қолишини тезлашишига олиб келади. Шуни айтиш керакки яйловда жуда кўп мол боқиш ўтлоқ чўл ўсимликларини моллар емайдиган бегона ўтлар кўпайиб кетишига ҳам олиб келади. Жумладан Зирабулоқ, Зиёвуддин тоғ, тоғолди текистликларида мол емайдиган фломус кўзикулок кўпайиб кетган. Шундай қилиб, эрозия тоғларда ва тоғолди этакларида турган тоғ ксерофитларнинг тарқалишига, текисликлар эса эфемер ва эфемероидларнинг тарқалишига имкон бериб ландшафтларнинг мавсумий қиёфасидаги хусусиятларни кучайтиради.

XX-асрнинг кейинги эллик йилида регионда ландшафтларнинг (экосигментларининг) кучли деградацияланувчи (чўлланишга) ва жиддий оқибатларга олиб келади. Хозирги вақтда регионда мураккаб, кўп қиррали қарама-қарши ва соҳалар аро экологик муаммоларни ечиш талаб қилинади. Шунинг учун энди чўлланиш жараёнини тадқиқ қилишда ва унга баҳо беришда янги ҳаракат, фикрлар ва ёндашишлар зарур.

Ўзбекистон Ҳукумати Халқаро Конвенцияда қабул қилинган юксак мажбуриятларга ва қўйилган талабларга асосланиб “Ўзбекистон Республикаси чўлларга қарши курашиш ҳаракатининг миллий дастури” ни (“Национальная

программа действий по борьбе с опустыниванием в Республике Узбекистан” 1999) ишлаб чиқди. Миллий дастурнинг асосий вазифаси Ўзбекистон худудидаги геотизимлар доирасида хусусан арид ландшафтларда ва агроландшафтларда содир бўлган чўлланиш жараёнларини олдини олиш улар вужудга келтирган оқибатларини юмшатиш, бу борада ишлаб чиқилган бош йўналишларини ва режалар структурасининг бошқаришини таъминлашдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулқасимов А., Журакулов Х. Закономерности дифференциации ландшафтов Зерафшанских гор и прилегающих равнин. Самарқанд, 2014,-С155.
2. Абдужабборов М.А Карст Южного Узбекистана Ташкент. “Фан” .-1990,-С135.
3. Алибеков Л.А, Хабибуллаев П.К, Природные механизмы опустынивания. “Вестник Российской Академик Наук” Том73, №8.2003
4. Балашова Е.Н. и другие. Климатическое описание Зеравшанского района.Л:”Гидрометеоиздат”,-1963,-С.147.